



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ ЖИХАТДАН ХАВФЛИ АХВОЛДА БЎЛГАН ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Абдиқаримов Жўшқинбек Исламбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
иختисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 213-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15462027>

ARTICLE INFO

Received: 5 th May 2025

Accepted: 10th May 2025

Published: 19th May 2025

KEYWORDS

профилактика инспектори,
ижтимоий хавф, ноқонуний
ҳолатлар, оилавий муаммолар,
профилактик ишлар,
ҳуқуқбузарликлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада профилактика инспекторларининг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар билан ишлаш фаолияти таҳлил қилиниб, амалдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари кўриб чиқилади. Шунингдек, бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилади.

Профилактика инспекторларининг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар билан самарали иш олиб бориши, аввало, ушбу оилаларнинг аниқ мезонлар асосида классификация қилиниши ва ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашувни назарда тутадиган тизим яратилишини талаб этади. Бунда аҳоли ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, иқтисодий етишмовчилик ва маънавий муҳитдаги муаммолар профилактик ишлар самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Ижтимоий хавфли аҳволдаги оилалар билан ишлашда амалий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, профилактика инспекторлари кўп ҳолларда фактлар аниқлангандан кейин ҳаракат қилади, ҳолбуки, замонавий ёндашувлар мазкур ҳолатларни эрта аниқлаш ва олдини олишни талаб қилади. Бу борада профилактика соҳасидаги ишларни тизимли ва мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил этиш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹ги ПФ-128-сон Фармонида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг мақсадли механизмларини жорий этиш вазифаси белгиланган. Бу, ўз навбатида, профилактика инспекторлари учун ана шундай оилаларни комплекс

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-128-сон Фармони

равишда ўрганиш, уларга давлат хизматларини етказишда воситачилик қилиш каби янги функцияларни ҳам назарда тутати.

Жумладан, Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини инфляция даражасига қараб индексациялаб бориш ҳамда тегишли ижтимоий тўловлар миқдорининг минимал истеъмол харажатлари қийматидан кам бўлмаслигини таъминлаш мақсадида:

1. 2022 йил 1 майдан бошлаб ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари миқдори 12 фоизга оширилсин.

2. 2022 йил 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига 324 000 сўм;

ёшга доир энг кам пенсия миқдори — ойига 633 000 сўм;

ногиронлик пенсиялари, жумладан иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — ойига 698 000 сўм;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори — ойига 698 000 сўм;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори — ойига 698 000 сўм;

1941 — 1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шахри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда — ойига 3 080 000 сўм;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (633 000 сўмдан) 698 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори — ойига 698 000 сўм этиб белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”²ги 312-сон қарорида ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш доирасида, профилактика инспекторларининг жиноятчилик профилактикасидаги ўрнини кучайтириш, уларни аниқ вазибалар билан таъминлаш ва самарадорликни баҳолаш мезонларини жорий этиш лозимлиги қайд этилган. Бу ҳужжатлар амалий фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш билан бирга, жамиятда ижтимоий хавфни камайтиришга қаратилган механизмлар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилалар билан ишлашда, шунингдек, профилактика инспекторларининг малакасини ошириш, психологик тайёргарлигини кучайтириш ва уларни замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш муҳим вазибалардан ҳисобланади. Мазкур соҳада хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили, жумладан Германия, Япония ва Канада каби мамлакатларда профилактик фаолиятнинг ҳуқуқий-ижтимоий асослари, Ўзбекистон шароитида жорий этилиши мумкин бўлган йўналишларни аниқлашда фойдали бўлиши мумкин.

Ушбу қарорга асосан, Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваридан ошмаган миқдорда (ҳозирда 1 200 000 сўм) 12 ойгача (жами 14 400 000 сўм) турар жой ижараси учун субсидия ажратилади. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган низомда белгиланди.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 312-сон қарори.

Низомга кўра, туман (шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларидан “Ёшлар дафтари”га киритилган ва моддий аҳволи оғир ёшларга БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам ажратилади. Шунингдек жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 75 фоизигача қисмини, бироқ бир ойгача, бир ойдан икки ойгача, икки ойдан ортиқ муддатли ўқув курслари учун тегишлича БҲМнинг 4, 8, 12 бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қисмини қоплашга;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга уларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;

“Ёшлар дафтари”га киритилган, деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун БҲМнинг 8 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолияти ҳамда ўзини ўзи банд қилиш мақсадида нотурар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларини кўпи билан бир йилда 30 фоиз, бироқ БҲМнинг

25 бараваригача миқдорда қоплашга;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролиларини харид қилишга БҲМнинг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;

Мамлакатдаги профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган, “Темир дафтар”га киритилган оилалар фарзандларининг, шунингдек, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, аммо БҲМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб бериш белгиланган.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, профилактика инспекторларининг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тавсиялар илгари сурилади:

Ижтимоий хавфли оилаларни аниқлаш мезонларини аниқ белгилаш: Ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш учун аниқ ва аниқланган мезонлар ишлаб чиқилиши зарур. Бу, профилактика инспекторларига мақсадли ва самарали иш олиб бориш имконини беради.

Профилактика инспекторларининг малакасини ошириш: Инспекторларнинг ижтимоий иш, психология ва ҳуқуқ соҳаларидаги билимларини мунтазам равишда ошириш, уларни замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш: Профилактика ишларини самарали ташкил этиш учун давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарур.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимидан самарали фойдаланиш: Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш ва уларга ёрдам кўрсатишда мазкур ахборот тизимидан фойдаланишни кенгайтириш лозим.

“Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар” дастурларини фаол қўллаш: Ижтимоий хавфли аҳволдаги ёшлар ва оилаларни қўллаб-қувватлашда мазкур дастурлар доирасидаги имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу тавсияларни амалга ошириш профилактика инспекторларининг фаолиятини такомиллаштиришга, ижтимоий хавфли аҳволдаги оилаларнинг ҳолатини яхшилашга ва жамиятдаги ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь/-Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. 56 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора - тадбирлари тўғрисида” ПФ-5005-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 312-сон қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-128-сон Фармони.
11. Қадамович, Б. Ҳ. (2024). хотин-қизлар томонидан содир этиладиган жиноятлар профилактикасини такомиллаштириш. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 4(4), 33-41.
12. Бабаханов Ҳ., Узақов Ф. ички ишлар органларида таянч пунктларини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришнинг замонавий ёндашувлари //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 41-46.
13. Бабаханов, Ҳамдам, and Файёзбек Узақов. "ички ишлар органларида таянч пунктларини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришнинг замонавий ёндашувлари." Журнал академических исследований нового Узбекистана 2.4 (2025): 41-46.
14. Қадамович Б. Ҳ., Зиёдуллаев С. Ш. Ў. профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жазога оид қонун нормаларини қўллаш фаолиятини

такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 116-125.

15. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Сухроб Шухрат Ўғли Зиёдуллаев. "профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жазога оид қонун нормаларини қўллаш фаолиятини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.4 (2025): 116-125.

16. Қадамович, Б. Ҳ., & Зиёдуллаев, С. Ш. Ў. (2025). профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жазога оид қонун нормаларини қўллаш фаолиятини такомиллаштириш. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4), 116-125.

17. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Азимжон Кадирберген Ули Ембергенов. "профилактика инспекторининг илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.4 (2025): 28-32.

18. Қадамович Б. Ҳ., Ембергенов А. К. У. профилактика инспекторининг илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 28-32.

19. Қадамович, Б. Ҳ., & Ембергенов, А. К. У. (2025). профилактика инспекторининг илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4), 28-32.

20. Қадамович Б. Ҳ., Хасанов А. А. Ў. жамоат хавфсизлиги департаментининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш йўналишлари //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 114-119.

21. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Абборжон Акбар Ўғли Хасанов. "жамоат хавфсизлиги департаментининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш йўналишлари." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2025): 114-119.

22. Қадамович, Б. Ҳ., & Хасанов, А. А. Ў. (2025). жамоат хавфсизлиги департаментининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш йўналишлари. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(2-2), 114-119.